O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
30 MAY
PAYSHANBA
№ 67 (26.926)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Норов Варшавада ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Польшадаги элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Польша Республикаси Президенти А. Квасьневскийга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Польша ўртасида турли соҳаларда икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Польша Президенти давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик даражасини юқори баҳолар экан, Польша Республикаси минтақадаги асосий шериклардан бири сифатида Ўзбекистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

■ «Жаҳон» АА

«МЕДАТЕКС» ОДИМЛАРИ

Яқинда Вобкентда бўлганимизда тумандаги «Медатекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси қувватларининг иш жараёнларини кузатиб туриб, шу йил январь ойи бошларида матбуот саҳифаларида ёзилган шундай сатрлар ёдимизга келди: «...Ўзбекистон билан Россия ҳамкорлиги иқтисодий соҳада ҳам кенгайиб бормоқда. 2001 йилнинг ўзида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми олдинги йилга нисбатан 15,5 фоиз ўсиб, 1 миллиард 29 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағни ташкил этди. Жорий йилда томонлар бу кўрсаткичлар миқдорини ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, шунингдек, икки мамлакатнинг авиасозлик корхоналари сингари бошқа ишлаб чиқариш қувватларидан ҳам шериклик асосида кенг фойдаланишга эътибор қаратмоқдалар...»

Ана шу икки томонлама эътибор бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон — Россия қўшма корхоналарининг янги-янги қувватларини барвақт ишга туширилишини таъминлаётир. Сўзимизнинг исботини Вобкент «Медатекс» қўшма корхонаси мисолида кўриб турибмиз. У дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Толадан жаҳон андозаларига мос калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона низом фонди 4,58 миллион АҚШ долларига тенг. Москвадаги «Техснабсервис» масъулияти чекланган жамият ҳамда «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти ҳамкорлигида (тенг улушлилик асосида) таъсис этилган мазкур корхонада ҳозир 300 нафардан зиёд йигит-қиз муқим иш билан таъминланган. Яқинда корхонанинг Москвада ўз савдо уйи ташкил этилганлиги ҳам диққатга сазовор.

✧✧✧

Суратларда: *корхона ишлаб чиқариш цехларидан лавҳалар.*

■ Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

РЎЙХАТГА ОЛИШ МУАММОЛАРИ

Адлия вазирлигида ўтказилган конференция тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишдаги муаммоларга бағишланди

Японияда янги корхона ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинса ёки белгиланган ташкилотга маълум этилса бўлди, у рўйхатга олинган ҳисобланади. Англияда эса «компаниялар уйи»га тузилажак компания ёхуд корхона ўз ҳужжатларини почта ёки электрон почта орқали юборса кифоя, фаолиятини бошлайвериши мумкин. Америка Қўшма Штатларида тадбиркорлик субъектларининг рўйхатга олиниши янада соддароқ, умуман қоғозбозликдан холи экан: баъзи штатларда тадбиркорлик субъекти телефон ёки факс орқали рўйхатдан ўтказилади.

Ғарб давлатларида тадбиркорлик билан шуғулланаман, деганлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар ҳам кўп эмас: 1. Ариза. 2. Оилавий аҳвол тўғрисида маълумот. 3. Турар жойидан маълумот. 4. Менежмент бўйича махсус курсни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳнома. 5. Хулқи тўғрисида полициядан маълумот. 6. Тадбиркорлик субъектининг номи ва манзили.

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш муаммолари»га бағишланган илмий-амалий конференцияда ана шундай чет эл тажрибалари тилга олиниши билан бирга, шу масалага боғлиқ ўзимиздаги баъзи муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Маърузада сўзга чиққан Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Н.Абдураҳмонов, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бўлим бошлиғи Е.Кияткина, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси бошқарма бошлиғи В.Дубовская ва бошқа мутахассислар шу масалада ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Конференцияда вазирликлар, давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирок этди.

■ Ўз мухбиримиз

ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК – БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Тошкент ислом университетида «Динлараро тотувлик барқарорлигида диний манбаларнинг ўрни» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Тошкент давлат шарқшунослик институти олимлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, Тошкент олий маъҳади ҳамда диний таълим муассасалари мударрислари диний бағрикенглиқни мустаҳкамлаш ва ғайриқонуний миссионерликнинг олдини олишга бағишлаб жойларда ўтказилган мунозараларни умумлаштириб, зарур тавсия ва таклифлар ишлаб чиқдилар.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидинов мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва хорижий давлатларда нашр этилаётган диний адабиётлар кўламининг кенгайиши динлараро мулоқотга йўл очиб бериш билан бир қаторда, баъзи диний манбалар таржималарида камчиликлар борлигига эътибор қаратдилар. Муқаддас китоблар — Қуръони карим ва Инжил маъноларини ўзбек, рус ва бошқа ажнабий тилларга таржима қилишда билиб-билмай йўл қўйилаётган нуқсонлар турли дин вакиллари ўртасида тушунмовчилик туғдириб, бу эса ўз навбатида, диний бағрикенглик — барқарорлигига хавф солиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Анжуманда соҳа мутахассисларининг «Қуръон ва Инжил таржималари», «Христиан диний генезиси ва Инжил», «Инжилдаги диний истилоҳларнинг ўзбек тилига таржимаси», «Диний бағрикенглик ва миссионерлик» мавзуларидаги маърузалари тингланди, муҳокама ва мубоҳаса қилинди.

Семинар иштирокчилари тинчликни асраш, турли миллат, элат ва дин вакиллари ўртасида дўстлик ва биродарликни янада такомиллаштиришда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Мунозарада фикр билдирган диншунос, ҳуқуқшунос, шарқшунос олиму уламолар ҳамда республикада фаолият кўрсатаётган турли диний конфессия вакиллари кўтарилган муаммоларнинг ечими юзасидан тегишли тавсия ва амалий таклифлар қабул қилди.

■ (ЎзА)

ЯПОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ҚЎҚОНДА

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга ҳарбий асир сифатида келтирилган япон фуқароларининг 666 нафари Қўқон шаҳрида яшаган. Улар суперфосфат ва механика заводлари қурилишида маҳаллий мутахассислар билан бирга меҳнат қилган. Лекин 240 нафари Ўзбекистонда вафот этган.

Япония жамоатчилигининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган дўстлик миссияси аъзолари Қўқон шаҳрида марҳум юртдошлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимида иштирок этди.

— Бу ерда яшаган японлар номини тиклаш борасида ўзбекистонлик мутахассислар билан кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди Японияннинг «Чувама-кай» жамияти раиси Като Кинтаро. — Жамиятимиз асосан уруш йилларида асир тушган япон аскарлари қабрларини топиш, номларини абадийлаштириш билан шуғулланади. Мамлакатингиз раҳбарияти бу борада бизга катта имкониятлар яратиб берди. Қисқа вақт давомида минглаб юртдошларимизнинг шахси ва ҳоки қўйилган жойлар аниқланди. Ўзим ҳам 1945-1948 йиллари Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги ҳарбий лагерда яшаганман. Айрим ҳамюртларимга ватанига қайтиш насиб этмаган. Советлар замонида уларнинг ҳокини зиёрат қилиш учун имкониятимиз йўқ эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, вазият бутунлай ўзгарди. Бунинг учун Президент Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз.

— Бу ердан дадам Азумо Тойокумонинг қабрини топдим, — дейди Азумо Шизуко. — Унинг ҳокини зиёрат қилиш оиламизнинг кўп йиллик армони эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач ниятимизга етдик. Қабристонда амалга оширилган ободончилик, бунёдкорлик ишларини кўриб эса кўнглимиз тоғдек ўсди. Бунинг учун Ўзбекистон ҳукуматидан, меҳр-оқибатли ўзбек халқидан миннатдормиз.

■ Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

САЙЛОВ 2 ЙИЛДАН СЎНГ ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИН

Россия марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняковнинг «Интерфакс»га берган интервьюсида айтилишича, Россия президентлигига сайловлар 2004 йилнинг 14 мартига белгиланиши мумкин.

ВАКОЛАТ ТУРКИЯГА ЎТДИ

Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаётган халқаро кучларга қўмондонлик қилиш навбати Туркияга ўтди. Шу вақтгача мазкур миссияни Буюк Британия бажараётган эди.

Куни кеча Туркия қуролли кучларининг 65 кишидан иборат дастлабки гуруҳи Кобулга етиб келди. Улар сафида алоқачилар, таъминот билан шуғулланадиган мутахассислар бор. Мазкур гуруҳнинг вазифаси Афғонистонга жўнатилаётган Туркия ҳарбийлари учун керакли шарт-шароит ҳозирлашдир.

Афғонистондаги халқаро кучларга қўмондонлик қилиш Буюк Британиядан Туркияга июнь ойида ўтиши мўлжалланган. Бироқ 10 июнда ўтказилиши кутилаётган Лойя жирга хавфсизлигини инглиз аскарлари таъминлайди. Лойя жирга Афғонистоннинг янги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тадбирдир. Чунки, унда иштирокчилар мамлакатнинг янги муваққат ҳукуматини сайлайди.

ЯНГИ КЕНГАШ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Италия пойтахти Римда бўлиб ўтган НАТОга аъзо 19 мамлакат ҳамда Россия раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида Россия — НАТО кенгаши ташкил этилди. Битимни Шимолий алянсга аъзо 19 мамлакат раҳбари ҳамда Россия Президенти В. Путин имзоладилар.

Энди Россия ҳам НАТОга аъзо давлатлар қаторида террорчиликка қарши кураш, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, танг вазиятларни бартараф қилиш, тинчликни сақлаш ҳамда денгизда қутқарув операцияларини амалга ошириш масалаларида тенглик асосида қарорлар қабул қилади.

Бироқ, янги кенгаш ташкил этилиши Россия ва НАТОнинг ҳарбий доктринаси бирлашади, дегани эмас. Россия «Рим декларацияси» имзоланишига қарамай, ҳали ҳам НАТОнинг янги аъзолар ҳисобига кенгайишига қарши.

ВАЗИР ИСТЕЪФО БЕРДИ

Буюк Британиянинг транспорт вазири Стефен Баерс истеъфога чиқди. У ўзининг истеъфоси ҳақида мамлакат бош вазири Тони Блэрга душанба куни ахборот берган.

Мамлакат темир йўлларидаги транспорт ҳалокатлари вазирнинг ишдан кетишига асосий сабаб бўлди. Reutersнинг хабарига кўра, охирги йили 5 марта бундай бахтсиз ҳодиса юз берган. Барчасида инсон ўлими қайд этилган.

ПОЛИЦИЯ ГУБЕРНАТОРНИ ҚАМАБ ҚЎЙДИ

Ёсир Арафот томонидан Шарқий Иерусалим губернаторлигига тайинланган Жамол Отман Носсирни Исроил полицияси қамаб қўйди. Исроил раҳбариятининг таъкидлашича, унинг Иерусалим шаҳрида пайдо бўлиши қонундан ташқари ҳолат экан. Гап шундаки, 1967 йилги урушда Исроил томонидан босиб олинган бу ҳудуд 1993 йили Ослода тузилган Исроил — Фаластин келишувига асосан Фаластин ҳукмронлигига бўйсунмайди.

Губернатор адвокатининг хабарига кўра, Жамол Отман Носсир шу куниёқ қамоқдан чиқариб олинган.

ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ

Афғонистондаги «Толибон» ҳаракатининг 500дан ортиқ жангчиси озодликка чиқарилди. Мамлакат мудофаа вазири ўринбосари Абдул Рашид Дўстумнинг айтишича, Афғонистон шимолидаги Шибархон қамоқхонасидан 512 нафар толибон Халқаро Қизил Хоч жамияти вакиллари иштирокида озод этилган. Бу иш мамлакат муваққат ҳукумати бошлиғи Ҳамид Карзай буйруғига асосан амалга оширилди, дейилади Reuters агентлиги тарқатган ахборотда.

МУНОСАБАТ, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

«ДОРИ-ДАРМОНДАГИ ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР»

ГАЗЕТАНИНГ 2002 ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ СОНИДА УШБУ САРЛАВҲА ОСТИДА ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ

Мақолада жуда долзарб мавзу кўтарилган. Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунида дори воситалари фақат махсус рухсатнома — лицензияси бор дорихоналар орқали ва фармацевтик маълумотига эга бўлган мутахассислар томонидан сотилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 14 июлдаги «Республикада дори-дармонлар сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонида ҳам дори воситаларини дорихона муассасаларидан ташқарида — бозорларда, кўчаларда, жамоат жойларида ва уйларда сотиш ҳолларига Давлат солиқ қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан қатъиян чек қўйиш ҳамда белгиланган қоидаларга риоя қилмаётган шахсларни жавобгарликка, жумладан, жиноий жавобгарликка тортилиши зарурлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган «Республика дорихона муассасаларида дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш қоидалари»нинг 3-бандига биноан, дорихона муассасалари томонидан юридик ва жисмоний шахслардан сифатини тасдиқловчи ҳужжатларсиз дори-дармонлар ва тиббий буюмлар қабул қилиб олиниши таъқиқланган.

Лекин, кейинги пайтларда ноқонуний йўллар орқали келтирилаётган сифатсиз дори воситалари билан савдо қилувчи улгуржи бозорлар ва сохта «доришунос»лар фаолияти кенгаймоқда. Бунда сифати кафолатланмаган ва аксарият ҳолларда қалбакилаштирилган ҳамда республикамизда тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат этилмаган дори воситалари сотилмоқда, улар бемор саломатлигига жиддий путур етказиши ва ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида дори-дармонлар сифати бўйича назорат комиссияси ташкил қилинган. Бу сифат назорати комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ҳудудий бўлинмалари мавжуд. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш тасдиқлаган режага асосланиб, комиссия томонидан турли мулк шаклидаги дорихона муассасаларида дори-дармонлар сифати бўйича қисқа муддатли текширувлар ўтказилади.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«БАҚАТЕРАКНИНГ «УРУҒЧИ» ТУРИ КЕРАКМИ?»

Ушбу сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 14 май сонида чоп этилган танқидий мақола юзасидан таҳририятимизга тегишли ташкилотлардан жавоб хатлари кела бошлади

«22 май 2002 йил... Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мазкур мақолани атрофлича ўрганиб, қуйидагиларни маълум қилади: ҳақиқатан ҳам баҳор ойи бошланиши билан аҳоли орасида асосан нафас йўллари ва кўзнинг шиллиқ қаватлари ўткир яллиғланишида намоён бўладиган аллергик касаллик белгилари бошланиб кетишида ва унинг келиб чиқишида бақатерак гулининг чанги ҳам сабабчи омиллардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг «Шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги дарахт экиш ойлигини ўтказиш тўғрисида» 2001 йил 16 октябрдаги 468-сонли қарорида Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига шаҳар ҳудудида экилган, ўз манзарасини йўқотган, зараркунандалар билан зарарланган ҳамда аҳоли зич яшаётган ҳудудларда баҳор мавсумида гуллаганда момиқ чиқарадиган терак дарахтларини далолатномалар асосида олиб ташлаш тўғрисида топшириқ берилган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида, ўтган йилнинг куз, қиш ойларида ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан шаҳар ҳудудидаги дарахтлар ўрганиб чиқилган ва ўзидан пух чиқарадиган 3000 та бақатерак борлиги аниқланган. Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномаси олиниб, бундай дарахтларнинг 1000га яқини куз, қиш ойларида кесиб ташланган. Ушбу тадбир давом эттирилиб, бу турдаги дарахтларнинг қолганлари ҳам куз, қиш ойларида босқичма-босқич кесиб ташланади.

■ Марказ бош врачи С.С.САЙДАЛИЕВ»

МУНОСАБАТ, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ

«ДОРИ-ДАРМОНДАГИ ДАРДЛИ, ТАШВИШЛИ ҲОЛАТЛАР»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жумладан, 2001 йил мобайнида сифат назорати комиссиялари томонидан жами 1629 дорихона муассасаларида текширувлар ўтказилган. Текширувлар натижасида 156 та дорихона бўйича ҳужжатлар лицензиядан маҳрум қилиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензия ҳайъатига, 197 та дорихона бўйича ҳужжатлар солиқ инспекцияларига топширилган, 52 та дорихона лицензиядан маҳрум қилинган, 72 та дорихонанинг фаолияти 3 ой муддатга тўхтатилган.

Республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмаси ва унинг ҳудудий бирлашмалари бозорлар, кўчалар, уйлар ва жамоат жойларида дори-дармонлар савдосига чек қўйиш, лицензиясиз дорихоналарнинг фаолиятини тўхтатиш ваколатига эга эмас. Шунга қарамай, имконият даражасидаги чоралар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари, солиқ инспекциялари, прокуратураларга бу ҳақда ахборот хатлари йўлланмоқда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали мақола ва кўрсатувлар тайёрланмоқда.

Афсуски, дори-дармоннинг ноқонуний муомаласига бошқача тарзда ёндошиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Газета мақоласида Қўқон шаҳрида яшовчи фуқаро Р.Н.нинг хонадонидан сотиш учун тайёрланган 33 турдаги 7 миллион 286 минг 280 сўмлик дори-дармонлар борлиги аниқланганлиги тилга олинган. Бу ҳолат бўйича қўшимча маълумотларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Ҳақиқатан, Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан 2002 йил 15 февралда тезкор маълумотлар асосида ўтказилган текширув натижасида **ҳеч қаерда ишламайдиган ва фармацевтик фаолият юритиш учун лицензияси бўлмаган фуқаро Равшан Назаровнинг хонадонидан 68 турдаги 3 миллион 969 минг 475 сўмлик ва 33 турдаги 7 миллион 280 минг 280 сўмлик, жами 101 турдаги 11 миллион 249 минг 756 сўмлик дори воситалари қонунга хилоф равишда сақланаётганлиги аниқланган** ҳамда Фарғона «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмасининг омборхонасига вақтинча сақлаш ва таҳлилдан ўтказиш учун топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини

1

назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан 2002 йил 11 мартда берилган 29/09-255-сонли хулосаномага кўра, **Р.Назаровдан далилий ашё тариқасида олинган дори воситаларининг 40 тури (яъни, жами дориларнинг 40 фоиздан ортиғи) Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтмаган ва тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат этилмаган, 2 турдаги дори воситалари — 200 дона «Бен-Гей» креми ва 31 дона «Троксевазин» малҳами сифатсиз бўлган.**

Р. Назаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 164-моддаси 3-қисми ва 176-моддаси 2-қисми бўйича иш қўзғатилган. Лекин, 2002 йил 4 апрелда жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг раиси А.К.Муҳамедов раислигида ўтказилган суд мажлиси Р.Назаровнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари топилмаганлиги ва унга нисбатан иш юритиш тугатилганлиги ҳамда далилий ашё тариқасида олинган дори воситаларининг сифатли қисмини Р.Назаровга қайтариб бериш лозимлиги ҳақида қарор қилган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу суд қарорида **Р.Назаров бу дори воситаларини 2001 йилнинг охирларида Қўқон шаҳридаги ноқонуний дори бозоридан сотиб олганлиги қайд қилинган.**

Кейинчалик, 2002 йил 16 апрель куни Қўқон шаҳар суди ижро ишини қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилган. Бу қарорда Р.Назаровга дори-дармонлар 5 кунлик муддатда қайтариб берилмаса, Фарғона «Дори-дармон» давлат акциядорлик бирлашмасининг масъул ходимларига энг кам иш ҳақининг 15 (ўн беш) баробари миқдорида жарима тайинланиб, мажбурий тарзда ижро этилиши кўрсатилган. Оқибатда дори-дармонлар Р. Назаровга қайтариб берилди.

Республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмасининг раҳбарияти Қўқон шаҳар судининг ушбу қарорини дори воситалари муомаласи тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олмаган ҳолда адолатсиз чиқарилган деб ҳисоблади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига суд қарори устидан протест келтириш ва қўшимча тергов ҳаракатлари олиб бориш хусусида кўрсатмалар беришни сўраб ариза йўллади.

Шу каби Қўқон шаҳар Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан 2001 йил 5 декабрда ўтказилган текширув натижасида **ҳеч қаерда ишламайдиган ва фармацевтик фаолият юритиш учун лицензияси бўлмаган фуқаро Эътибор Кичиновага тегишли 8 турдаги 33 миллион 385 минг 180 сўмлик дори воситалари сақланаётганлиги аниқланган.** Э. Кичинова ҳам бу дори-дармонларни Қўқон шаҳридаги Алишер Навоий мавзесида жойлашган ноқонуний дори бозоридан сотиб олганлиги ҳақида кўрсатма берган.

2002 йил 25 январда жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг раиси А.К.Муҳамедов раислигида очиқ суд мажлиси ўтказилган ва суд раиси томонидан Э. Кичинованинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари топилмаганлиги ҳамда далилий ашё тариқасида олинган 8 турдаги дори воситаларини тўлиқ рўйхати бўйича Э.Кичиновага қайтариб бериш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинган. Суднинг бу қарори бўйича Қўқон шаҳар прокурори томонидан протест келтирилган бўлса ҳам, ҳозирги кунгача суд ўз қарорини ўзгартиргани йўқ.

2

2002 йил 5 февралда Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижасида **Қарши шаҳридаги «Нуфуз» хусусий дорихонасининг таъминотчиси Дилдора Турсуновага тегишли 144 турдаги 1 миллион 285 минг 545 сўмлик дори-дармонлар сақланаётганлиги аниқланган.** Бу дори-дармонлар ҳам Қўқон шаҳар Алишер Навоий мавзесидаги дори бозоридан сотиб олинган. **Лаборатория таҳлили 2 турдаги дори воситаси — 30 дона «Индометацин» ва 10 дона «Троксевазин» малҳамларининг сифатсизлигини ва 90 турдаги (жаъми дориларнинг 63 фоизи) дори воситаси Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилмаганлигини кўрсатган.** Лекин, 2002 йил 24 апрелда ўтказилган суд мажлиси (раис А.К. Муҳамедов) 2 турдаги сифатсиз дориларни йўқ қилиш, қолганларини Д. Турсуновага қайтариб бериш ва унга нисбатан маъмурий иш юритишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилган.

Яна бир мисол. 2002 йил 16 апрелда Қўқон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Соғлиқка оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан 15 Д 7672 давлат рақамли «Дамас» автомашинаси текширилганда, автомашинада **Қарши шаҳар «Табобат» фирмаси таъминотчиси Олимжон Аллаев, Қарши шаҳар «Рауф ота» хусусий дорихона экспедитори Зулфия Бозорова ва Қарши шаҳар «Ойбаҳор» хусусий дорихонаси таъминотчиси Бекзод Полвоновга тегишли жами 1 миллион 725 минг сўмлик 281 турдаги дори воситалари борлиги аниқланган. Лаборатория таҳлилига кўра, бу дори воситаларидан 140 тури (жами дориларнинг 50 фоизи) Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилмаган, 2 турдаги дори воситаси — 45 ўрам «Трихопол» ва 10 ўрам «Сифлокс» сифатсиз бўлган.**

2002 йил 14 майда ўтказилган Қўқон шаҳар судининг мажлисида (раис О. Алижонов) 2 турдаги сифатсиз дори воситалари йўқ қилиниши ва қолган барча дори-дармонлар О.Аллаев, З.Бозорова, Б.Полвоновга қайтарилиши ҳамда уларга нисбатан иш юритиш тугатилиши ҳақида қарор чиқарилади.

Дори воситаларининг ноқонуний муомаласи билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан бундай «раҳмдиллик»дан қандай мақсад кўзланаётганлиги бизга тушунарсиз. Чунки, Қўқон шаҳридаги ноқонуний дори бозоридан кейинчалик аҳолига сотиш мақсадида харид қилинган дори-дармонларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилмаган, айримлари эса умуман ишлатишга яроқсиз. Бундан ташқари, ноқонуний фаолият орқали олинган яширин даромад ҳисобидан давлат бюджетига ҳеч қандай солиқ тўловлари тўланмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмасининг раҳбарияти дори воситаларини ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига жазо чораларининг кучайтирилиши назарда тутилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим, деб ҳисоблайди.

■ **Республика «Дори-дармон» Давлат акциядорлик уюшмаси бошқаруви раисининг муовини О. ҲОЖИМЕТОВ**

3

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

Ўзбекистон **ХДП Самарқанд вилоят, Зарафшон шаҳар, Конимех, Қарши, Бахористон, Косон ва Шаҳрисабз туман кенгашларининг** пленумларида «Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Пленумларда партия кенгашларининг биринчи котиблари Р.Ҳамроқулов, Б.Қосимов, Е.Қодиров, Ш.Амирқулов, Н.Авлиёқулов, И.Усмонов ва М.Остоновларнинг маърузалари тингланди. Музокараларда иштирок этган партия фаоллари демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, пленумларда жойлардаги партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларни аниқ йўналишларда ташкил этиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Масалан, **партия Қарши туман кенгаши** пленумида, ХДП дастурий ғояларига мос амалий ишлар қўллаб-қувватланиб, туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия аъзолари фаоллигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. ХДП Зарафшон шаҳар кенгашининг пленумида эса халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг депутати А.Нарзиевнинг ўз депутатлик фаолияти тўғрисидаги ахбороти тингланди, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал этишда бошланғич партия ташкилотлари ўз депутатларига амалий ёрдам кўрсатишлари кераклиги уқтириб ўтилди.

Йиғилишларда сўзга чиққан партия сайланма органларининг аъзолари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, депутатлар партия Экологик дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, мамлакатимизда қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишида партия ташкилотларининг иштироки, ҳудудий партия тузилмаларини ташкил этиш ишини ниҳоясига етказиш каби муҳим масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритдилар.

ХДП Тойлоқ туман кенгашининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда Х.Хушназаров ХДП Тойлоқ туман кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби Р.Ҳамроқулов ва туман ҳокими Ж.Ашуровлар сўзга чиқдилар.

Шу кунларда ХДП бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган очиқ партия йиғилишлари кун тартибидан парламент ислоҳоти, фуқаролик жамиятини қарор топтириш, жамият аъзоларининг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари кенг ўрин олган. Жумладан, **Кегайли туманидаги** 5, 26, 41-сонли мактаблар ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотларида ўтказилган очиқ партия йиғилишларида туман партия кенгашининг биринчи котиби Е.Хожанов, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари — С.Алланазаров, Ж.Утегенова ва К.Нурмановлар демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотларининг вазифалари юзасидан маърузалар қилдилар.

Наманган шаҳридаги барча ҳудудий (бошланғич) партия ташкилотларида ўтказилаётган очиқ йиғилишларда ҳам партия аъзоларининг мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларни амалга оширишдаги иштироки тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда.

Сирдарё туманининг «Сирдарё почтаси» идораси бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтган «давра суҳбати» Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимиз парламентининг саккизинчи сессиясидаги маърузасини ўрганишга бағишланди. Суҳбатда иштирок этган партия аъзолари мамлакатимизда икки палатали парламентни шакллантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши муаммолари тўғрисида сўз юритдилар.

«Янгиланиш орқали — юксалиш сари» мавзуидаги «давра суҳбат»лари **Норин туман партия кенгаши** томонидан қишлоқ хўжалик, педагогика ва спорт касб-ҳунар коллежларида уюштирилди. Партия фаоллари, талаба-ёшлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашган ушбу суҳбатларда икки палатали парламент қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишнинг замонавий ва мукаммал воситаларидан бири ҳисобланиши, палаталарнинг вазифалари, уларнинг бир-биридан фарқи, парламентчиликнинг боскичма-боскич ривожланиши, жамият ҳаётини янада эркинлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни тўғрисида сўз юритилди.

ХДП Гулистон шаҳар кенгашида ўтказилган бошланғич партия ташкилотлари котибларининг йиғилишида партия сафларини мустаҳкамлаш, ички партиявий интизомга риоя қилиш масалалари муҳокама этилди.

ХДП Тахтакўпир туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғинини туман Санитария ва эпидемиология назорат маркази бошланғич партия ташкилоти негизида ўтказди. Унда Ўзбекистон парламенти қабул қилган қонун ва бошқа ҳужжатлар мазмун-моҳияти, уларнинг демократик жамиятни барпо этишдаги аҳамияти ҳамда ХДП ташкилотларининг амалий ишлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Марказ бош шифокори Б.Утемуратова ва бошланғич партия ташкилоти котиби И.Боймухановлар партия аъзоларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Мулоқот давомида партия ташкилотлари фаолиятига таҳлилий назар ташланди ва керакли тавсиялар ишлаб чиқилди. Семинарни туман партия кенгашининг биринчи котиби А.Матниёзов бошқарди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда ёш авлодга чуқур билим бериш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида жаҳон андозаларига мос ўқув юртлари тобора кўпаймоқда.

Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейи ана шундай билим масканларидан бири. Бу ерда 300 га яқин ўғил ва қизга табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология каби фанлардан билим берилмоқда. Ўқитувчи қанчалик билимли бўлса, ўқувчиларнинг дунёқараши ва савияси ҳам юқори даражада бўлади. Шу мақсадда ўтган йили лицей мураббийларидан Неъмат Нуриллаев, Зафар Жўраевлар Жанубий Корея Республикасида билим ва тажрибаларини бойитиб қайтдилар.

— Хорижда назария билан бир вақтда амалиётга ҳам катта эътибор берилар экан, — дейди Неъмат Нуриллаев. — Билим юртлари қошида ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Ўқув дастурлари доирасида ўқувчилар ишлаб чиқариш жараёнларида ҳам иштирок этишаркан. Бу тажрибани биз амалда қўллаш имкониятларини излаяпмиз.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР**

✧✧✧

Суратларда: хорижий филология йўналиши ўқитувчиси Зулфия Абдурахмонова; лицей ўқувчилари; инглиз тили ўқитувчиси Неъмат Нуриллаев ва талабалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ, БИРОҚ...

ЁКИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА СУД АЖРИМИНИ БАЖАРМАЁТГАН АЙРИМ РАҲБАРЛАРНИНГ МУДДАОСИ НИМА?

Таҳририятимизга тушган бир шикоят хатда муаллиф ноқонуний текширишлар туфайли ноҳақ айбланиб, маълум муддат қамоқда ўтириб қайтганлиги ва ниҳоят оқланганлигини ёзади: «Мен 1998 йилда ноҳақ айбланиб, ғайриқонуний равишда судланган эдим. Республикамиз раҳбариятига, Олий судга мурожаатларим натижасида ушбу иш қайта кўрилиб, адолат тикланди. Андижон вилоят судининг 2000 йил 29 март кунги ҳукми билан оқландим. Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди апелляция судлов ҳайъати 2001 йил 12 декабрда ишга тикланиш ҳақида ажрим чиқарди. Суд ижрочисининг сўрови ва аризамга кўра, ушбу ҳайъатнинг 2002 йил 12 апрелдаги ажримида қайси лавозимга, ким томонидан, қандай тартибда ишга тикланишим тушунтирилди. Бироқ, жавобгарлар — Янгиқўрғон туман ҳокими ва унинг қариндоши бўлган «Гулшан» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси томонидан ишга тиклашга оид суд ажримининг бажарилишига асоссиз важ ва сохта маълумотлар тузилиб, тўсқинлик қилинмоқда».

Ушбу хат бўйича Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига хизмат сафарига отландик.

— Бу масала анча чигал масала, — дейди туман ҳокими Зокиржон Мамажонов. — Бироқ, шикоятчи талабини ҳал қилиш менинг вазифамга кирмайди. Мухторали Жўрабоевнинг фикри-ёди яна қайтиб «Гулшан» ширкат хўжалигига раис бўлиш. Бу масалада мендан кўра кўпроқ биринчи ўринбосар Аҳмаджон Валиев шуғулланган. Саволларингизга у кишидан жавоб олаверасиз.

— «Бирлашган» қишлоғида эҳтиросларга бериладиган одамлар яшашади. Сизларга шикоят қилган Жўрабоев ҳам ўша қишлоқдан-да, — дейди гап аввалида ҳокимнинг биринчи ўринбосари А. Валиев. — Тақдирга тан бериш оғайнимизда йўққа ўхшайди...

Хуллас, биринчи муовиндан ҳам суд ҳужжати нега бажарилмаётганлигига аниқ жавоб ололмадик. Сўнг суд ижрочиларининг Янгиқўрғон туман бўлинмаси катта суд ижрочиси Баҳодир Валиевга рўбарў бўлдик.

— Ҳозирча Мухторали Жўрабоевга етказилган 1 миллион 605 минг сўм моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Бироқ, суд қарорида кўрсатилганидек, уни аввалги ишига ёки ўша лавозимга тенглаштирилган ишга тиклаш ва «Гулшан» ширкат хўжалигидан 1998-2000 йиллардаги иш ҳақлари, пай улушларини ундириш пайсалга солинмоқда — дейди Б. Валиев.

Энди М. Жўрабоев қандай қилиб судланди-ю, нега бу савдолар бошига тушганлиги ҳақида бироз тўхталсак.

«Гулшан» хўжалиги Наманган вилоятида 1997 йилги «кўрсаткич»лари бўйича иқтисодий ночор хўжаликлар рўйхатига киритилади. Санацияга тортилган хўжаликни 1998 йил бошида салкам 40 миллион сўм зарари билан Мухторали Жўрабоев ташқи бошқарувчи сифатида қабул қилди ва биринчи йилдаёқ хўжалик қарзидан буткул халос бўлди. Йилни 20 миллион 608 минг сўм фойда билан якунлади. Хўжаликда рентабеллик даражаси 17 фоизни кўрсатди.

Эришилган бу ютуқни кўпчилик қувонч билан кутиб олди. Лекин янги раҳбарнинг иш фаолиятидан шубҳаланган, эришилган натижаларга ишонқирамай қараганлар ҳам топилиб қолди. Хўжалик ўша йилнинг ўзида уч марта текширилди. Рақамларни, фактларни ўзларича таҳлил қилиш туфайли М.Жўрабоев ва бош ҳисобчи М.Бойматов устидан жиноят иши қўзғатилди, бешта эпизоддан иборат жиноят иши дунёга келди. Хўжаликни санациядан олиб чиққанларга «ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилишган, мансаб сохтакорлиги билан шуғулланган», деган айб қўйилди. Наманган туман суди ушбу жиноят ишини кўрди ва 1999 йил 16 февралдаги ҳукми билан иккаласини ҳам 6 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилди. Улар суд залидан ҳибсга олинишди.

Ҳамма ҳайрон: Мухторали Жўрабоев ва бош ҳисобчи Муҳаммадшариф Бойматовлар хўжаликнинг салкам 40 миллион сўм зарарини қоплади, 20 миллион сўмдан ошиқ фойда билан хўжалик йилни якунлади. Лекин хўжалик раҳбари ва бош ҳисобчиси қамоққа олинса. Хўжаликни қолоқлик ботқоғига ботириб, бўйнига миллион-миллион сўм зарарни илиб, ишдан кетган собиқ раҳбар Ғайбулла Хўжамбердиев эса туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига аввалига бош агроном, сўнгра бошлиқ этиб тайинланса...

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ёки М. Жўрабоевнинг ютуқлари кимнидир чўчитиб юбордими? Унинг раҳбарлик қобилияти кимларгадир соя ташлай бошлаганмиди?

— М. Жўрабоевга нисбатан қилинган адолатсизлик, туманда ёниб ишлайман, деганларнинг қўлини совутди, ҳафсаласизликка олиб келди, — дейди Янгиқўрғон туман ихтисослаштирилган агрофирма бош ҳисобчиси Абдулазиз Бўрибоев. — Чунки бу одам «Гулшан»ни 10 ойдаёқ бакувват хўжаликка айлантирди. Рентабелликни 17 фоизга кўтара олди! Ўша йилгина эмас, тўрт-беш йил ичида туманда бундай кўрсаткичга эришган ҳеч бир хўжалик бўлмаган. Ҳозир ҳам йўқ...

— Адолат қарор топди. Ёзган шикоятларим самара бериб, юқорида айтганимдек, Андижон вилояти суди айбсизлигимни исботлади, — дейди Мухторали Жўрабоев. — Лекин, қарор топган адолатни негадир туман раҳбарияти ҳам олгиси келмаяпти.

— Мухторали Жўрабоев менга ҳеч ким бўлмайди. Куда-анда ҳам эмасман, — дейди Абдурахмат Жўрабоев. — Хўжаликда 42 йил ишлаб пенсияга чиқдим. Лекин бунақа ишни биринчи марта кўрдим. У кетгандан кейин дала ишлари пала-партиш бўлиб кетди. Ҳар ким хоҳлаган ишини қилади.

— Мен Пахриддинов Нажмиддинман. Ёшим етмишда. Шу хўжаликни бунёдга келтирган кишилардан бирининг фарзандиман. Фарзандларим «Гулшан» ширкат хўжалиги аъзоси. Мухторали Жўрабоевнинг қилаётган ишларини зимдан кузатиб юрардим. Унинг айби нима эдию нега қамашди? У ўз ишига тикланиши керак, адолат ана шунда тўла-тўкис қарор топади.

— Тошкентдан келган мухбир ука, мен ҳам гапирай, гапларимни диктофонингизга ёзиб олинг, дегувчилар кўпайди. Имкониятимиз борича тинглашга ҳаракат қилдик. Баъзилари фикрларини ёзма берди.

Хуллас, гап кўп. Барчасини ёзаверсак, газетанинг саҳифаси торлик қилади. Фақат кўнглимиздан ўтган саволлар бор, уларни қоғозга туширмасак бўлмас: Яхши ишлагани учун М. Жўрабоевни жазолаш кимга керак бўлган эди?.. Майли, бу ўша одамнинг виждонига ҳавола. Аммо бугун суд қарорини бажармасликдан муддао нима? Ёки кимлардир ўзини қонундан ҳам, суддан ҳам устун ҳисоблаяптими? Агар шундай ўйлаётган бўлса адашадилар. Чунки, биз ҳуқуқий демократик давлат барпо этаяпмиз. Бундай давлатда қонун ҳамма нарсадан юқори туради!

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

АКЦИЗ МАРКАСИЗ МАҲСУЛОТ СИФАТИГА КАФОЛАТ ЙЎҚ

Қуйи Амударё минтақасида жойлашган туманимизда йирик «Хазорасп кийим-кечак бозори» бор. Бу ерда тижоратчилар, тадбиркорлар учун қулайликлар муҳайё этилган. Қонуний тижоратчилик билан шуғулланмоқчи бўлсангиз — марҳамат, имкон сизники.

Афсуски, бозорда турли қиғир йўллар билан савдо қилишга рўжу қилганлар ҳам озмас. Рухсатномаси бўлмаса-да, тамаки ва спиртли маҳсулотларни яширин пуллаётган «шоввоз»лар топилиб турибди. Биласиз, бундай ҳолларнинг олдини олиш, харидор манфаати ва инсон соғлиғини ҳимоя этиш учун акциз маркаси жорий қилинган. Акциз маркали маҳсулот қатъий назоратдан ўтган сифатли товар ҳисобланади.

Ўтган йили ходимларимиз ўтказган рейдлар давомида бир юз қирқдан ошиқ қонунбузарлик ҳолатлари қайд қилиниб, тўрт юз минг сўмдан зиёд 7846 қути акциз маркасиз «Родопи» ва «Пине» сигареталари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Масалан, яқинда «Хазорасп» ширкат хўжалигининг 6-бригадасида яшовчи Барно Қурбонова, «Дўстлик» ширкат хўжалигининг 5-бригадаси аъзоси Замира Собирова, «Хоразм» ширкат хўжалигининг 3-бригадасидан Ҳурматой Матқурбоновларнинг ҳар биридан 400-600 қути миқдорида акциз маркасиз сигареталар мусодара қилинди. «Дўстлик» ширкат хўжалигининг 10-бригадасида яшовчи Санобар Отамуротова бир минг уч юз қутига яқин «Родопи» ва «Пине» сигареталарини сотаётганда солиқчилар томонидан ушланди. Иши туман судига юборилди.

Туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими билан ҳамкорликда бозорда ўтказилган навбатдаги тадбирда бир гуруҳ «сохта акцизфурушлар» фош қилинди. Бахтиёр Бобожонов исмли фуқаро Н. Матниёзовга 2 минг дона қалбаки акциз маркаси ҳамда 1500 дона «Урганч ароғи» ёзувли шиша ёрлиғининг ҳар донасини ўн сўмдан пуллаётганда ушланди. Маълум бўлишича, Б. Бобожонов бу «товар»ни «Дўстлик» ширкат хўжалигида яшовчи эр-хотин Ғайрат Қаландаров ва Шодмонжон Мамутовалардан ҳар донасини 5 сўм 50 тийиндан харид қилган экан. «Тадбиркор»лар оиласидан тағин 350 дона «Буғдой ароғи», 130 дона «Рус ароғи», 325 дона «Нукус винзаводи» ва минг дона «Урганч шароби» ёзувли ароқ шишалари қопқоқлари ва 8110 дона қалбаки акциз маркалари ҳам топилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: кўпчилик харидорларнинг ўзлари кўра-била туриб, акциз маркасиз тамаки ва спирт маҳсулотларини нега харид қилишмоқда? Арзимаган беш-ўн сўм арзонига учиб, ўзи ва ўзгалар соғлигини хавф остига қўймаяптими? Акциз маркасиз маҳсулот сифатига ҳеч ким кафолат бермайди. Демак, ҳар бир харидор бундан хулоса чиқармоғи керак.

■ **Равшан НАФУЛЛАЕВ,**
Хоразм вилояти,
Хазорасп туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Хитой аэропортларида хавфсизлик чоралари сифатида янги тартиб жорий этилди. Унга кўра, йўловчиларнинг оёқ кийимлари портловчи воситаларга қарши чора сифатида алоҳида рентген назоратидан ўтказиладиган бўлди. Эндиликда аэропорт хизматчилари йўловчилардан оёқ кийимларини ечишини талаб этмоқда.

«Биз Хитой давлат фуқаро авиацияси бошқармасидан 15 май куни буйруқ олдик. Шу буйруққа кўра, йўловчилардан пойафзалларини ечишни илтимос қилмоқдамиз», дейди Шанхай аэропорти хавфсизлик хизмати вакили.

Reuters ахборот агентлиги тарқатган хабарида айтилишича, ушбу хавфсизлик чоралари Шэнян ва Далянда қўлланилмоқда.

1,3 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ

АҚШнинг энг ноёб байроқлари коллекцияси Лондоннинг Sotheby's аукцион савдо уйида 1,3 миллион АҚШ долларига сотилди. Коллекцияда 75 та байроқ бўлиб, улар орасида 1789 йили АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон кўтарган 13 юлдузли байроқ ҳам, 1969 йили Вудстокдаги мусиқа фестивалида ҳилпираган байроқ ҳам бор. Reuters тарқатган манбаларга кўра, байроқлар кимошди савдосида бундай нархга кўтарилади, деб ҳеч ким ўйламаган.

РЕКОРД ЯНА ЯНГИЛАНДИ

Италиялик 66 ёшли альпинист Марио Карнус Эверест чўққисини забт этди. Эътиборли жиҳати шундаки, у чўққига кўтарилган дунёдаги энг кекса альпинистдир. Шунинг учун ҳам унинг номи Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га ёзиладиган бўлди. Дарвоқе, бир ҳафта аввал япониялик 65 ёшли қария Томийас Ишикава чўққига кўтарилиб, «Энг кекса альпинист» рекордини ўрнатган эди. Афсус унинг рекорди узоққа чўзилмади.

КУЗАТУВЛАРДАН МАЪЛУМ БЎЛДИКИ...

Аллергия ва аутоиммун касалликлари беморларнинг иммун тизимини шикастлаши фанда илмий исботланган. Бироқ бу касалликларнинг одам организми учун фойдаси ҳам бор экан, яъни мияда шиш пайдо бўлишининг олдини оларкан. Америкалик олимлар ўз кузатувлари натижаларидан сўнг яқинда шундай хулосага келдилар. Мериленддаги саратон касалликлари илмий текшириш миллий институти олимлари миясида шиши бор 782 нафар беморни, шунингдек, бошқа касаллик билан оғриган беморларни ҳам илмий кузатиб, улар касалликлари кечинмаларини чоғиштириб, таққослаб кўрдилар. Илмий кузатув-тадқиқотда маълум бўлишича, аллергия билан оғриган беморларда мия шишини ривожлантирувчи глиомалар 33 фоизга, аутоиммун касаллиги билан оғриган беморларда эса 51 фоизга камайган. Бошқа шиш — менингиома эса камдан-кам учради.

ҚЎЛБОЛА БОМБА ЯСАМОҚЧИ ЭДИ...

Санкт-Петербург мактабларидан бирининг ўқувчиси қўлбола бомба ясамоқчи бўлган пайтда жабр кўрди. Гап шундаки, Санкт-Петербург шаҳар ички ишлар бошқармасидан маълум қилишларича, 15 ёшли ўқувчи уйида амомин кукуни, ацетон ва селитра аралашмасидан портловчи модда ясамоқчи бўлган. Ва унинг уриниши бесамар кетмади — портловчи модда ҳақиқатан ҳам портлаб кетди. Натижада уй деразасининг ойнаси синди. Бола эса ўнг кўзига қон қуйилиши, ўнг қулоғининг пардаси йиртилиши, юзлари бироз, кўкраги эса I ва II-даражали куйиши оқибатида шифохонага ётқизилди.

11 ТОННА ГАШИШ МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Испания полицияси мамлакат жанубида гиёҳванд моддаларнинг йирик партиясини қўлга туширишга муваффақ бўлди. Қўлга олиш операциясини ўтказиш учун улар 2 йил тайёргарлик кўришди. Полиция берган маълумотга кўра, Мароккодан Гибралтар орқали Европага ўтадиган «наркоконтрабанда» йўлига тўсиқ қўйилди. Гиёҳванд моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи 27 киши ҳибсга олинди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2002 йил 21, 28 июнь, 5, 12, 19, 26 июль, 2, 9, 16, 23, 30 август, 6, 13, 20, 27 сентябрь кунлари соат 10.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА:

1. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м кўчаларида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар, бошланғич нархи — 640 000 сўм бўлган 57 та ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи қўйилади.

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун олдин тўхтатилади. Савдоларда жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

2. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Сўғалли ота кўчасида жойлашган «71-son IB DXO» корхонасининг автотранспорт воситалари:

— «МАЗ-5337», рақами 0052 ТНН, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи — 6135250 сўм;**
— «ГАЗ-5204», рақами 6110 ТНЛ, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи — 1695640 сўм;**
— «УАЗ-31512», рақами 9690 ТНБ, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи — 1332951 сўм;**
— «ГАЗ-52 я 58 б», рақами 2322 ТНА, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи — 1695640 сўм;**
— «ПТ-2000», 1991 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи — 619134 сўм;**
— «ОЗ-ТА», рақами 0764 ЯД, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, **бошланғич нархи — 514554 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектларнинг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-а уй, 402-хона.
Телефонлар: 133-20-74, 133-46-13.

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2002 йил 11 июнь соат 11.00 да жамиятнинг мажлислар хонасида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади. Рўйхатга олиш соат 9.00 дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Отчопар буюм бозори» ОАЖни «Карвон бозори» ЁАЖ УСМ таъсисчилари таркибидан чиқариш ҳақида.
2. «Отчопар буюм бозори» ОАЖнинг Низом жамғармасини ошириш ҳақида.

Телефон: мажлис тартиби бўйича: 79-73-22

«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО «PO'LATQURILMA»

объявляет о проведении годового общего собрания акционеров ОАО «PO'LATQURILMA», которое состоится 28 июня 2002 г., по адресу:
г. Ташкент, ул. Ш. Абдуллаева, д.4.
Начало регистрации: 8 час. 30 мин.
Начало собрания: 12.час. 00 мин.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение годового отчета ОАО «PO'LATRQURILMA» о финансово-хозяйственной деятельности за 2001 год, бухгалтерского баланса общества.
2. Утверждение отчета ревизионной комиссии и заключения аудитора общества.
3. Рассмотрение и утверждение бизнес-плана общества на 2002 год.
4. Утверждение распределения прибылей и размеров дивидендов за 2001 год.
5. Утверждение решений Наблюдательного Совета за 2001 год.
6. Выборы членов Наблюдательного Совета.
7. Выборы членов Ревизионной комиссии.
8. Разное.

При себе иметь паспорт (для физических лиц), служебное удостверение (для юридических лиц), нотариально заверенную доверенность (для представителей акционеров).

Список акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров, будет составлен по состоянию на 28 мая 2002 года.

Решение принято на заседании Наблюдательного Совета от 25 мая 2002 г.

С материалами собрания акционеры могут ознакомиться по адресу:
г. Ташкент, ул. Ш. Абдуллаева, д. 4.

ЗА ИНФОРМАЦИЕЙ ОБРАЩАТЬСЯ ПО ТЕЛ. 54-14-09.

НАБЛЮДАТЕЬНЫЙ СОВЕТ

ФИНАНСОВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ

01	Общий финансовый результат до уплаты налогов	223733,6
02	Размер уплаченных налогов	139346,0
03	Чистая прибыль	84387,6

БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС ОАО «PO'LATQURILMA» ЗА 2001 ГОД.

№	Наименование статей	Актив	Пассив
01	Уставный капитал		42470,0
02	Резервный капитал		55762,5
03	Нераспределенная прибыль		342660,1
04	Доходы будущих периодов		65875,0
05	Основные средства за вычетом износа	452805,9	
06	Нематериальные активы	26573,0	
06	Оборотные активы	853155,9	
07	Расчеты с покупателями и заказчиками	492562,7	
08	Дебиторы-кредиторы	225236,2	1543566,1
09	Баланс за 2001 год	2050333,7	2050333,7

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

КИТОБЛАРГА ОБУНА!

КИТОБ — ЭНГ СОДИҚ ДЎСТ

Замонавий раҳбарлар ўз жамоаси ходимлари, оила аъзолари маънавиятли ва маърифатли бўлишини, кутубхонаси тўлиб туришини истайди. Сизлар учун китобларга обуна хизмати йўлга қўйилди. Ҳозир «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг барча жамиятларида, бўлим ва филиалларида, «Матбуот» дўконларида 2002 йилнинг иккинчи ярми учун газета-журналлар ва китобларга обуна давом этмоқда.
Китоблар обуна бўйича шу йилнинг тўртинчи чораги охиригача етказиб берилади.
Қуйида обуна учун ажратилган китоблар рўйхати билан танишинг.

Индекс	Китоб номи, муаллифи
20123	Чўлпон «Кеча ва кундуз» (роман)
20125	А. Қодирий «Ўткан кунлар» (роман)
20129	П. Қодиров «Она лочин видоси»
10126	Х. Шайхов «Туташ оламлар» (фантастика)
20142	Ҳ. С. Караматов «Мақоллар» (инглиз, рус, ўзбек тилларида)
20068	А. Зиё «Ўзбек аёллари тарих саҳнасида»
20131	А. Иброҳимов «Бизким, ўзбеклар»
20130	И. Шоғуломов «Шохдан тушган уста» (ҳикоялар)
20124	Х. Тўхтабоев «Сариқ девни миниб» (роман)
20127	О. Мухтор «Тўрт томон қибла» (роман)
20132	Тоғай Мурод «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» (роман)
20133	И. Сулаймонов «Мен журналистман» (публицистика)
20134	Саида Зуннунова «Танланган асарлар» (наср ва назм)
20135	Шукрулло «Тўкилган дардларим»
20136	«Боланинг луғат бойлиги»
20137	«Юртимиз тинчлиги энг катта бойлигимиздир»
20138	М. Қориев «Спитамен» Роман. 1 жилд
20139	М. Қориев «Ибн Сино» Роман. 2 жилд
20140	В. Моисеев «Сын джунглей Аму» (повесть)
20141	А. Шагулямов «Предокукение легенды» (публицистика)
20122	Ў. Усмонов «Гирдоб» (роман)
20128	«Афандининг йигирма тўрт қиёфаси»
20143	Ё. Абдуллаев «Иқтисодий таҳлил»
20144	Ё. Абдуллаев «Кичик бизнес»
20145	Й. Сулаймон «Осмонга сиғмаган муҳаббат»
20146	М. Шоқодирова «Тўқиш алифбоси»
20147	«Мўъжиза яратиш санъати»
20148	М. Муродов «Алпомишнома»
20149	Ғ. Шоумаров «1001 саволга психологнинг 1001 жавоби»
20035	Н. Жўраев «Агар огоҳ сен». (эссе)
20045	Х. Бобобеков, Т. Мухторов «Алифбо»
20118	Н. Шоабдураҳимов «Альбом живописи» (суратлар каталоги) (инглиз тилида)
20047	Г. Сатимов «Англо-русско-узб. юридический словарь»
20043	М. Қалонхонов «Биз миллионермиз» (ҳажвий ҳикоялар)
20020	«Бир бор экан» (эртаклар), (лотин алифбосида)
20018	«Болақай» (эртаклар), (лотин алифбосида)
20025	Д. Абдураҳимова «Бургут пат»
20021	«Бўри нега терисидан ажралди» (эртаклар) (лотин алифбосида)
20150	Сирожиддин Саййид «Ватан абадий» (шеърлар)
20039	А. В. Тё «Вопросы правового регулирования рыночных отношений в Узбекистане»
20033	«Ғўзаллар ғўзали ёхуд аёллар макри» (араб эртаклари)
20037	М. Иброҳимова «Илмус сайёрасига ғаройиб сафар» (фантастика)
20044	Ғ. Сирожев «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар»
20042	Ҳ. Зиёев «Истиқлол маънавият негизи»
20049	М. Абдусаломов, Ф. Отахонов «Контрактация шартномалари»
20030	«Коран» (рус.яз.) Перевод И. Ю. Крачковского
20151	Ш. Отабеков «Машҳурлар ҳаётидан ҳангомалар»
20048	К. Қодиров «Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари»
20038	Р. Қосимов, М. Содиқов «Мустақиллик — олий неъмат»
20117	М. Мирёқубов «Ортопедик стоматология»
20009	«Основы законодательства Республики Узбекистан»
20152	Х. Бобобеков «Паҳлавон Маҳмуд»
20153	А. Мўминов «Президент. Спорт. Ғалаба.»
20154	Ш. Ризаев «Саҳна маънавияти»
20034	А. Жўраев «Сенга кўнгил берсам»
20056	Н.Шулепина «Серный рикошет»
20155	М. Йўлдошев «Тақдир тароналари»
20156	А. Абдурасул ўғли «Қадимги Фарғона тарихидан»
20157	Абдуқаҳҳор Иброҳимов «Байрамдан кейин ҳам кун бор» (Йўлбошчи фаолиятига бағишланган)
20158	Н. Жўраев «Тафаккурдаги эврилиш»
20032	Ҳ. Зиёев «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар»
20052	Узбекистан и международные договора по правам человека
20022	«Уч оғайни ботирлар» (эртаклар) (лотин алифбосида)
20041	Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар
20120	Н. Жалил «Қуёшга тик қараб бўлмас»
20040	«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» (2001)
20010	«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари»
20036	«Ўзбекистон тарихи» (жамоа)
20053	Б. Саломов «Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти»
20067	Ҳ. Зиёев «Ўзбекистонда мустақиллик учун курашлар тарихи»
20051	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №18 (1998 й.)
20059	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №20 (1999 й.)
20060	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №21 (1999 й.)
20061	Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Новые законы Узбекистана №22 (2000 й.)
20062	Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси. Учта жилдда (№1, №2, №3). 1998 йил.
20016	Б. Бойқобилов «Ўзбекнома» (тарихий фалсафа достони)
20031	Э. Воҳидов «Эркин Воҳидов» т. 1
20050	Ж. Холмўминов «Экология ва қонун»
20159	О. Мухтор «Эртани севиниб кут»
20017	Б. Бойқобилов «Янги ҳамса»
20119	Плакатлар (Асосий Қонун сабоқлари. Туркум)
20161	«Эҳтирос чўриси» Қисса (Валерий Брюсов)
20162	«Наполеон қачон туғилган?» (Бутун дунёдан табассум. Латифалар)
20163	«Пашшадан ясалган филман» (Бутун дунёдан табассум. Латифалар)
20164	«Милениум, похмелиум» (Юмор народов мира)
20165	«Самое трудное для холостяка» (Юмор народов мира)
20160	Ёпиштириладиган суратлар (жаҳон эстрада юлдузлари ва жанговар спорт мавзуида)

Бу рўйхат яна тўлдириб борилади. Китоб ва газета-журналларга обуна расмийлаштириш чоғида пайдо бўлган муаммолар ва саволлар юзасидан компания ва унинг жамиятларига мурожаат қилинг. «Матбуот тарқатувчи» АК: Тошкент (371) 1337378, 1334324, 1337549. Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари: Нукус (361-22) 28868, Андижон (374-22) 22989, 54391, Бухоро (365-22) 54749, Жиззах (372-22) 41416, Қарши (375-22) 37230, Навоий (436-22) 55694, Наманган (369-22) 62013, Самарқанд (366-2) 340396, 342253, Термиз (376-22) 36607, Гулистон (367-22) 54770, Фарғона (373-22) 242922, 242229, Урганч (362-22) 66355, Тошкент шаҳри – 1360796, 348698, Тошкент вилояти - 1360195.
2002 йил иккинчи ярми учун китоблар ва вақтли нашрларга обуна бўлишга шошилинг.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ОСИЁГА МАРҲАБО, ФУТБОЛ БАЙРАМИ!

ЭРТАГА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, 1 ИЮНДАН ЭСА ЯПОНИЯ СТАДИОНЛАРИДА XVII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Миллионлаб мухлислар орзиқиб кутган кунлар келди. Яна ашаддий ишқибозларнинг ҳаяжонли, беҳаловат дамлари бошланади.

Бу сафарги жаҳон футбол байрамининг ўзига хос жиҳатлари бор. Аввало, биринчи марта жаҳон чемпионати Осиё қитъасида ташкиллаштирилмоқда. Бундай ишончга Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари муяссар бўлдилар. Чемпионатнинг финал учрашувлари икки мамлакатда ўтказилиши ҳам ўзига хос воқеа. Чунки футбол чемпионатлари тарихида бунақаси бўлмаган. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, янги — XXI асрнинг илк жаҳон чемпионати байроғи кўтарилади. Халқаро футбол федерацияси бир йўла 32 жамоани финал иштирокчиси бўлишига изн бериши ҳам чемпионатлар солномасида ҳали қайд этилмаган.

8 гуруҳга бўлинган жамоалар Жанубий Корея ва Япония ўйингоҳларида тўп суриб, ўз гуруҳларида ғолиб бўлишга интилишади.

Ўйинлар тақвими шундай тузилганки, «А», «В», «С», «D» гуруҳлардаги жамоалар дастлабки ўйинларни Жанубий Корея, «Е», «F», «G», «Н» гуруҳларида жамланган жамоалар эса Япония ўйингоҳларида тўп сурадилар. Гуруҳларда жами 48 та учрашув ўтказилгандан кейин нимчорак, чорак, ярим финал ва ҳал қилувчи ўйинлар бошланади. Бу ўйинлар саноғи 16 тага боради. Демак, мухлислар қарийб бир ой давом этадиган қизғин ва муросасиз учрашувлар мобайнида жами 64 та учрашувнинг шоҳиди бўладилар.

Шу ўринда Ўзбекистон телевидениеси деярли барча учрашувларни тўғридан-тўғри томошабинларга ҳавола этиш режасини тузиб қўйганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Хўш, тўрт йил аввал Францияда ўтказилган чемпионатда мезбонлар ғолибликни қўлга киритишган эди. Бу гал омад кимга кулиб боқаркин? Буни фақат вақт кўрсатади.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

ЖЧ — 2002: ЎЙИНЛАР ТАҚВИМИ

«А» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Франция								31.05.	16.30	Франция-Сенегал
2. Сенегал								01.06.	14.00	Уругвай-Дания
3. Уругвай								06.06	16.30	Франция-Уругвай
4. Дания								06.06	11.30	Дания-Сенегал
								11.06	11.30	Дания-Франция
								11.06	11.30	Сенегал-Уругвай

«В» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Испания								02.06	12.30	Парагвай-ЖАР
2. Словения								02.06	16.30	Испания-Словения
3. Парагвай								07.06	14.00	Испания-Парагвай
4. ЖАР								08.06	11.30	ЖАР-Словения
								12.06	16.30	ЖАР-Испания
								12.06	16.30	Словения-Парагвай

«С» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Бразилия								03.06	14.00	Бразилия-Туркия
2. Туркия								04.06	11.30	Хитой-Коста-Рика
3. Коста-Рика								08.06	16.30	Бразилия-Хитой
4. Хитой								09.06	14.00	Коста-Рика-Туркия
								13.06	11.30	Коста-Рика-Бразилия
								13.06	11.30	Туркия-Хитой

«D» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Ж. Корея								04.06	16.30	Ж. Корея-Польша
2. Португалия								05.06	14.30	АҚШ-Португалия
3. Польша								10.06	11.30	Ж. Корея-АҚШ
4. АҚШ								10.06	16.30	Португалия-Польша
								14.06	16.30	Португалия-Ж. Корея
								14.06	16.30	Польша-АҚШ

«Е» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Германия								01.06	11.30	Ирландия-Камерун
2. Ирландия								01.06	16.30	Германия-С. Арабистони
3. Камерун								05.06	16.30	Германия-Ирландия
4. С. Арабистони								06.06	14.00	Камерун-С. Арабистони
								11.06	16.30	Камерун-Германия
								11.06	16.30	С. Арабистони-Ирландия

«F» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Аргентина								02.06	14.30	Англия-Швеция
2. Англия								02.06	10.30	Аргентина-Нигерия
3. Нигерия								07.06	11.30	Швеция-Нигерия
4. Швеция								07.06	16.30	Аргентина-Англия
								12.06	11.30	Швеция-Аргентина
								12.06	11.30	Нигерия-Англия

«G» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Италия								03.06	11.30	Хорватия-Мексика
2. Хорватия								03.06	16.30	Италия-Эквадор
3. Эквадор								08.06	14.00	Италия-Хорватия
4. Мексика								09.06	11.30	Мексика-Эквадор
								13.06	16.30	Мексика-Италия
								13.06	16.30	Эквадор-Хорватия

«Н» гуруҳи	1	2	3	4	Т	О	Ў			
1. Япония								04.06	14.00	Япония-Бельгия
2. Россия								05.06	11.30	Россия-Тунис
3. Бельгия								09.06	16.30	Япония-Россия
4. Тунис								10.06	14.00	Тунис-Бельгия
								14.06	11.30	Тунис-Япония
								14.06	11.30	Бельгия-Россия



«УНИВЕРСИАДА — 2002» КУНДАЛИГИ

БУХОРОНИ БЕЗАГАН БАҲСЛАР

«Кичик олимпиада» деб таърифланаётган универсиада дастуридан жой олган сузиш, кураш мусобақаларида ғолиб ва совриндорлар аниқланган бўлса, белбоғли кураш, дзюдо баҳслари кеча бошланди. Бошқа турлар бўйича ҳам беллашувлар қизғин давом этмоқда. «Универсиада — 2002» қатнашчиларининг қалби таассуротларга лиммо-лим.

Фахриддин КОСИМОВ, Самарқанд вилояти енгил атлетикачиси, СамДУ жисмоний маданият факультети 4-курс талабаси:

— Мусобақаларда иштирок этаётган жамоадошларимнинг кўпчилиги «Универсиада — 2000»да ҳам қатнашган. Жумладан, Наманганда ўтган баҳсларда 800, 1500, 5000 метрга югуриш бўйича олтинчи ва еттинчи ўринларни эгаллагандим. Шу боис, Бухородан совриндор бўлиб қайтишни мақсад қилгандим. Аммо, бу гал ҳам олдинги натижаларни такрорлашдан нарига ўта олмадим. Рақибларимиз орасида кучлилар кўп экан. Лекин бундан хафа эмасман. Муҳими, мусобақа мен учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади. Бу йил ўқишни битираман. Ўйлайманки, универсиадалардан орттирган тажрибаларим келгусида жуда асқотади.

Абдулла ТАНГРИЕВ, халқаро тоифадаги спорт устаси, «Тошкент-1» жамоаси курашчиси, мусобақа чемпиони:

— «Универсиада — 2002» мусобақалари бир умр ҳаётимда мухрланиб қолади. Жуда кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашган спортчи сифатида бош совринни қўлга киритмасам уят бўларди. Келгуси йил Жанубий Кореяда Бутунжаҳон талабалари универсиадаси ўтказилади. «Универсиада — 2002» чемпиони сифатида ана шу нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга сўз бераман.

Нормамат ЮСУПОВ, Термиз давлат университети ўқитувчиси:

— Биз университетимиз касаба уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Сурхондарё вилояти талаба-спортчиларини қўллаб-қувватлаш учун атайлаб Бухорога ташриф буюрдик. Фақат ўқитувчи, талабалардан ташкил топган мухлислар гуруҳи 30 кишидан иборат. Ўтаётган ҳар бир кунимиз ниҳоятда мазмунли, таассуротларга бой. Мусобақаларни томоша қилиш, қадим Бухоро обидаларини зиёрат этишимиз учун мезбонлар барча шарт-шароитларни яратиб беришган. Бухороча меҳмондўстлик, илтифотлар гуруҳимиз аъзоларини беҳад мамнун қилмоқда.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

«Универсиада — 2002» дастуридан жой олган кураш мусобақаларининг барча вазн тоифалари бўйича чемпион ва совриндорлар аниқ бўлди.

Ўткир Эгамов (60 кг. Бухоро), Темур Аҳмедов (66 кг. «Тошкент-1»), Эгамназар Акбаров (73 кг. «Тошкент-1»), Фарҳод Тўраев (81 кг. «Тошкент-1»), Зоҳид Хусанов (90 кг. Қашқадарё), Шуҳрат Хўжаев (100 кг. Бухоро), Абдулла Тангриев (+100 кг. «Тошкент-1»)лар олтин медаль билан тақдирландилар. Умумжамоа ҳисобида «Тошкент-1» жамоаси биринчи, Бухоро ва пойтахт вилояти полвонлари кейинги фахрли ўринларни эгаллашди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 20 ИЮЛДАГИ 333-СОНЛИ, 1993 ЙИЛ 8 АПРЕЛДАГИ 176-СОНЛИ, 1993 ЙИЛ 14 ОКТЯБРДАГИ 497-СОНЛИ ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҚУЙИДАГИ МЕДАЛЛАРИГА 2002 ЙИЛ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ — АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ МЕДАЛЬ.

Илм-фан соҳасида эришган юксак муваффақиятлари, умуминсоний тараққиётга қўшган катта шахсий ҳиссаси, жамият тараққиётини, таълим ва тарбия тизимини ривожлантиришга омил бўлган илмий ва амалий аҳамиятга молик кашфиётлари ва асарлари учун Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг олимларига берилади.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ МЕДАЛЬ.

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида йирик ютуқларга эришган, фундаменталь фанларни ривожлантиришга, ижтимоий, маънавий ва маърифий тараққиётни жадаллаштиришга, республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилган илмий асарлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий давлатларнинг олимларига берилади.

Х.М.АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ МЕДАЛЬ.

Фан ва техника соҳасида эришган улкан ютуқлари, республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган кашфиётлари ва ихтиролари учун Ўзбекистон олимларига берилади.

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР:

Медаллар олиш учун танловда қатнашувчи номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи қуйидаги ташкилот ва тузилмаларга берилади:

* **илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртларига;**
* **илмий ва инженер-техник жамиятларига;**
* **давлат қўмиталари, вазирликлар, ташкилотлар ва саноат корхоналарининг илмий-техник кенгашларига.**

Медалларни олиш учун танловда ҳар бир шахс якка тартибда иштирок этиши мумкин.

Медаль олиш учун номзодларни кўрсатган ташкилотлар «... номидаги медаль олиш учун» деган ёзув билан номзодлар ҳақидаги қуйидаги маълумотларни 2 нусхада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъатига (700047, Тошкент, Яҳё Гуломов, 70) тақдим этишлари лозим:

* **ишнинг илмий тавсифини, унинг илм-фан ва ишлаб чиқариш тараққиёти, фан ва халқ таълими учун аҳамиятини белгиловчи асосли тақдимнома;**
* **эълон қилинган илмий ишлари (ишлар мажмуаси), кашфиётлар ёки ихтиролар ҳақидаги маълумотлар, ёпиқ ишлар бўлган ҳолда уларнинг қўлёзмалари;**
* **муаллиф ҳақидаги маълумотнома (асосий илмий ишлари, кашфиётлари ва ихтиролари рўйхати, иш жойи ва лавозими, уй манзили).**

Илгари Давлат мукофотлари билан тақдирланган ишлар муаллифлари Фанлар академияси медаллари танловида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳужжатларни тақдим қилиш муддати 2002 йилнинг 5 июлигача.

Медалларни олиш тартиби, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳақида қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
700047, Тошкент ш., Яҳё Гуломов кўчаси, 70-уй,
телефон: (371) 133-74-82, ёки Фанлар академиясининг сайтидан: www.uzsci.net.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ҲАЙЪАТИ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA